



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
FARMATSEVTIKA TARMOG'INI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI
BUYRUQ**

2018 йил «26» икаде

90 - сонли

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сонли
“Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари
ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги
қарорининг ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сонли
“Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари
ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг
ижросини таъминлаш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика
тармоғини ривожлантириш агентлигида ходимлар одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва
қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини вижданан ва самарали
бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматида сунистеъмолликларнинг
олдини олиш мақсадида

Буюраман:

1. Қуйидагилар:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш
агентлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари 1-иловага;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Одоб-ахлоқ комиссияси
Низоми 2-иловага ва таркиби 3-иловага асосан тасдиқлансин.

2. Коррупцияга қарши қурашиб бўйича координатор (Ш. Абзалов) Фармацевтика
тармоғини ривожлантириш агентлиги барча ходимларини Одоб-ахлоқ қоидалари билан
таништирилишини таъминласин.

3. Кадрлар бўйича инспектор (Х.Галиева) Фармацевтика тармоғини ривожлантириш
агентлигига янги қабул қилинаётган ходимларни Одоб-ахлоқ қоидалари билан
таништирилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш директорнинг биринчи ўринbosari
Н.Н. Бердиев зиммасига юклансин.

Директор

А. Абдуллаев

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
хузуридаги Фармацевтика
тармоғини ривожлантириш
агентлигининг
2018 йил «26» 07 даги
90 - сонли буйруғига 1-илова

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини
ривожлантириш агентлиги ходимларининг
Одоб-ахлоқ қоидалари**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур “Одоб-ахлоқ қоидалари” Вазирлар Мажкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш түғрисида”ги 62-сонли Карори асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу Қоидалар касбий одоб-ахлоқнинг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат булиб, Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғини ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ва ички меҳнат тартиб-қоидаларига амал қилиниши, зарур ҳолларда одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинчалик - Агентлик)даги ходимларнинг касбий этикаси ҳамда маданияти учун муҳим аҳамиятга эга.

2. Қоидалар Агентлик томонидан ижросини таъминлаш учун кучга киради ва уни ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш мазкур орган йиғилиши қарорига биноан амалга оширилади.

3. Қоидалар Агентлик ходимларининг хуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, шунингдек Агентлик раҳбар ва ходимларининг юксак хуқуқий онгга эришиш, ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларига, қонунларда белгиланган тартибда фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларга қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

4. Ишга қабул қилинаётган ҳар бир ходим Қоидалар билан танишиб чиқиши ва унга риоя қилишини ўз зиммасига олиб, шартномага имзо қўйиши шарт.

5. Қоидаларга риоя қилиш Агентликнинг раҳбарлари, ходимлари ва барча жамоа аъзолари учун мажбурийдир.

6. Қоидаларга риоя этиш Агентлик раҳбар ва ходимларининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади ҳамда касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборатdir.

II. Мақсад ва вазифалар

7. Қоидаларнинг мақсади хуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, Агентлик раҳбар ва

ходимларини юксак хуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат.

8. Қоидаларга риоя этиш орқали Агентлик ходимларининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-авторини баҳолаш ҳамда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, ватанпарвар ва халқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор ҳамда юксак инсоний фазилатларга эга бўлган иродаси бакувват, иймони бутун ва виждони уйғоқ руҳида тарбиялашдан иборат.

9. Агентлик ходимларининг маънавий ахлоқий имунитетини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда ҳимоя қиласди.

III. Агентлик раҳбар ва ходимлари хизматдаги хулқ-авторининг асосий принциплари ва қоидалари

10. Агентлик раҳбар ва ходимлари ўз касбий фаолиятини қуидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;

фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиклик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

11. Агентлик раҳбар ва ходимлари қуидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини вижданан, юксак касбий даражада бажариш;

юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гурухлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўскинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-харакатларга барҳам бериш;

норматив-хуқуқий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва таъқиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини хурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гурухлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

давлат органида хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

12. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар Агентлик раҳбар ва ходимлари қонун хужжатлари талабларини ва Қоидаларни бузиши учун асос бўла олмайди.

13. Агар қонун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Агенлик раҳбар ва ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш, ўзлаштириш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача шахсий наф кўриш таъқиқланади.

14. Агентлик раҳбар ва ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасиға фаол кўмаклашиши шарт.

Агентлик раҳбар ва ходимлари ўз раҳбарини ёхуд хуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни хукуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек раҳбар ва ходимлари томонидан содир этилган хукуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Агентлик раҳбарлари шахслар қонунчиликнинг бузиши факлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши шарт.

15. Агентлик раҳбар ва ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

16. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори професионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки худудий бўлинмасида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-харакатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлиқ, ҳамشاҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гурухбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

17. Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши

шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлиги) йўл кўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавобгардир.

18. Агентлик раҳбар ва ходимлари ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа тиббиёт муассасаси раҳбар ва ходимлари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилган.

Агентлик раҳбар ва ходимлари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкаслари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Агентлик раҳбар ва ходимлари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қиласлиги, одамларнинг шаъни ва қадр-кимматини камситмаслиги, уларга асоссиз равишда руҳий-психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл кўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлик ҳолда Агентлик раҳбар ва ходимларининг ташки кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлилиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

IV. Манфаатлар тўқнашуви

19. Агентлик раҳбар ва ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажарища манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл кўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви Агентлик раҳбар ва ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Агентлик раҳбар ва ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда Агентлик раҳбар ва ходимлари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

20. Агентлик раҳбар ва ходимларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

Агентлик раҳбар ва ходимлари ўзларининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек лавозимни эгалламаслиги керак.

Агентлик раҳбар ва ходимлари ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойданни олиши мумкин эмас.

Агентлик раҳбар ва ходимлари ўз раҳбарини манфаатлар тўқнашувига йўл кўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

21. Агентлик раҳбар ва ходимлари лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий

манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

V. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

22. Агентлик раҳбар ва ходимлари томонидан Қоидаларнинг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

23. Агентлик раҳбар ва ходимлари томонидан Қоидаларга риоя этилиши аттестациялар ўтказишида, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

24. Ушбу Қоидалар нормаларининг бузилишлари маҳсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Одоб-ахлоқ комиссияси, маҳсус таркибий бўлинма мавжуд бўлмаган тақдирда, давлат органи ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳукуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишининг бошқа масалалари давлат органи томонидан тасдиқланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланади.

Қоидаларнинг бузилиши ҳолатларини маҳсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айни вақтда давлат органи раҳбарининг кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган Агентлик раҳбар ва ходимларини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характеристини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ комиссияси Агентлик раҳбар ва ходимларига нисбатан Қоидаларнинг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Агентлик раҳбар ва ходимлари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек давлат органининг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳукуқига эга.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
хузуридаги Фармацевтика
тармоғини ривожлантириш
агентлигининг
2018 йил «26» 07 даги
90 - сонли буйруғига 2-илова

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Одоб-ахлоқ
комиссиясининг
Н И З О М И**

I. Умумий қоидалар

1. Одоб-ахлоқ комиссияси (кейинчалик - комиссия) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш түғрисида”ги 62-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган.

2. Комиссия таркиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинчалик - Агентлик) директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

3. Комиссия аъзолари ўз хизмат вазифаларини вижданан, юксак касбий даражада бажаришига қатъий амал қиласди.

4. Комиссия юкори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

5. Комиссия ўз фаолиятини қонун хужжатларига ва мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширади.

II. Одоб-ахлоқ комиссияси вазифалари

6. Комиссия вазифалари қуйидагилардан иборат:

Комиссия ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гурӯҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

меъёрий - ҳуқуқий хужжат ва идоравий хужжатларда белгиланган чеклашлар ва таъқиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини хурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гурӯҳлар ва конфесияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфесиялараро тотувликка қўмаклашиш;

хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

Агентлик ходимлари одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат борасидаги вазифаларини вижданан ва самарали

бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматида систеъмолликларнинг олдини олиш;

Одоб-ахлоқ комиссия аъзоси эгаллаб турган лавозимидан катый назар касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш;

хукуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, Агентлик раҳбар ва ходимларининг юксак хукуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларига, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларига қатый риоя қилиши борасида фаолият олиб бориш;

мазкур Низом қоидаларига риоя этиш орқали Агентлик ходимларининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш ҳамда мутахассисларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, ватанпарвар ва ҳалқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимлар билан қуролланган ҳамда юксак инсоний фазилатларга эга бўлган иродаси бақувват, иймони бутун ва виждони уйғоқ руҳида тарбиялаш;

Агентлик жамоа аъзоларининг маънавий ахлоқий имунитетини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғини ривожлантиришга оид қонун хужжатлари ва ички меҳнат тартиб-қоидаларига амал қилиниши, зарур ҳолларда одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишига йўл қўйилган ҳолатларда қонун хужжатларига ва мазкур низомга мувофиқ интизомий чоралар кўриш ёки бошқа жавобгарликка тортиш бўйича тавсиялар бериш;

Агентлик ходимларининг касбий этикаси ҳамда маданияти юксалишига алоҳида аҳамият қаратиш ва лозим бўлган пайтларда амалий ёрдам кўрсатиш;

ишга қабул қилинаётган ҳар бир ходимнинг мазкур Қоидалар билан танишиб чиқиши ва унга риоя қилишини, шартномага биноан амалга оширишини назоратга олиш.

III. Якуний қоидалар

7. Комиссия йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда, Агентлик раҳбар ва ходимларини Қоидаларнинг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириши мумкин.

8. Комиссия аъзолари ўз зиммасига юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавобгардир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
хузуридаги Фармацевтика
тармоғини ривожлантириш
агентлигининг
2018 йил «26» 07 даги
90 - сонли буйругига З-илова

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Одоб-ахлоқ
комиссияси
Таркиби**

Т/р	Ф.И.Ш.	Лавозими
1.	А.С.Темиров	Директор ўринбосари, комиссия раиси
2.	А.А.Агзамов	Ташкилий-назорат бўлими бошлиғи, раис ўринбосари
3.	Ш.Р.Абзалов	Доривор хом ашё базани яратиш ва ўсимликлардан тайёрланган препаратларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўлими бошлиғи, Коррупцияга қарши курашиб бўйича агентлик координатори
4.	Х.М.Галиева	Кадрлар бўйича инспектор
5.	Ш.Аминкулов	Хукуқий маслаҳат берувчи

Изоҳ: Комиссия аъзолари лавозимидан озод этилганда ёки бошқа ишга ўтганда комиссия таркибига унинг ўрнига тайинланган ёки вазифасини бажариш юклатилган ходимлар киритилади.